



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССРнинг мустақиллик Декларациясига ва Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёнотга асосланиб, Ўзбекистон республикасининг Олий Кенгаши ушбу қонунни қабул қилади.

1-модда. Ўзбекистон республикаси, ўз таркибидagi Қорақалпоғистон республикаси билан бирга, мустақил, демократик давлатдир.

2-модда. Ўзбекистон республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

3-модда. Ўзбекистон республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизimini мустақил белгилайди.

4-модда. Ўзбекистон республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлиnmас бўлиб, унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.

5-модда. Ўзбекистон республикасида Ўзбекистон республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади.

6-модда. Ўзбекистон республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил)

хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Суверен Ўзбекистон республика ҳудудида СССР Қуролли Кучларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

7-модда. Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир.

Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади.

8-модда. Давлат мулки объектлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, шу жумладан Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки, уларнинг асосий ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва оборот ёки бошқа фондлари ҳамда ўзга мол-мулки, ички коммуникация, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари, республика картографияси ва геодезияси Ўзбекистон республикасининг мулкидир.

9-модда. Ўзбекистон республикасининг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш республика қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Республика ҳудудида жойлашган, Иттифоқ қарамоғида бўлиб келган давлат корхоналарини акцияли жамиятларга айлантириш, уларни мулкнинг бошқа шаклларида ўтказиш фақат Ўзбекистон

республикаси қонунларида кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади.

10-модда. Ўзбекистон республикаси ўз ҳудудида олтин, бошқа қимматбаҳо металллар ва тошларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашни мустақил амалга оширади ҳамда назорат қилади, ўз олтин захирасини яратади.

Ўзбекистон республикаси СССРнинг олтин захирасида, олмос ва валюта жамғармаларида ўз улушига эга.

11-модда. Ўзбекистон республикаси ўз пул бирлиги — миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳамжларини мустақил белгилашга ҳақли.

12-модда. Ўзбекистон республикаси мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади. Республика ҳудудида олинадиган солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон республикасининг давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетларга тушади.

13-модда. Ўзбекистон республикаси чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатади, улар билан мухтор вакиллар айирбошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши мумкин.

14-модда. Ўзбекистон республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини

белгилайди, ўзининг конверсия қилинадиган валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа захираларни, айирбошланадиган валютани сотади ва сотиб олади.

15-модда. Ўзбекистон республикаси ҳудудида инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон республикаси фуқаролиги жорий этилади.

Ўзбекистон республикасининг барча фуқаролари миллатидан, элатидан, ижтимоий чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар, республика Конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар. Ўзбекистон республикасининг фуқаролари республикадан ташқарида ҳам Ўзбекистон республикасининг ҳимоясида бўладилар.

16-модда. Ўзбекистон республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди.

Ўзбекистон республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир ва уларни ҳар қандай таҳқирлаш қонун билан жазоланади.

17-модда. Ўзбекистон республикаси ўз таркибидagi Қорақалпоғистон республикасининг ҳудудий бутунлигини ва мустақиллигини эътироф этади. Ўзбекистон республикаси билан Қорақалпоғистон республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тенг ҳуқуқлилиги асосида, улар ўртасидаги икки томонлама шартномалар ва битимлар воситасида қурилади.

Қорақалпоғистон республикаси Ўзбекистон республикаси таркибидан тегishли қонунлар асосида эркин чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ўзбекистон республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 31 август.

Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш БАЁНОТИ

Ўтмишдан сабоқ чиқариб ва ССР Иттифоқининг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб,

— халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб,

— Ўзбекистон халқларининг тақдирини учун бутун масъулиятни англаб,

— шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқатини баён этиб,

— миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб,

— мустақиллик Декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат мустақил-

лигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади.

Ўзбекистон республикасининг, ўз таркибидagi Қорақалпоғистон республикаси билан бирга, ҳудуди бўлиnmас ва дахлсиздир. Ўзбекистон республикасининг бошқа давлатларга ҳудудий даъволари бўлмай, у ўз ҳудуди ва унинг табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуққа эгадир.

Давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби Ўзбекистон республикасининг озод мустақил халқидир.

Ўзбекистон республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идораларининг тизimini мустақил белгилайди.

Ўзбекистон Иттифоқда ягона иқтисодий майдон вужудга келтирилиши, суверен ва мустақил давлатлар ўртасида мутлақо тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли шартларда сиёсий ва иқтисодий шартномалар тузилиши тарафдоридир.

Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллигини, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда ҳудудий бутунлигини ҳимоя қилиш мақсадларида Мудофаа ишлари вазирлиги ва миллий гвардия тузилади. Республика ҳудудида жойлаштирилган СССР Ички ишлар вазирлигининг, СССР Давлат Хавфсизлиги Қўмитасининг идоралари, шунингдек, ички қўшинлар Ўзбекистон республикасининг ҳуқуқий тобеълигига олинади.

Ўзбекистон республикаси СССР Мудофаа вазирлигининг республика ҳудудида жойлаштирилган ҳарбий қисмлари ва қўшимчаларини шакллантириш ҳамда уларга раҳбарлик қилишга ҳақли эканлигини маълум қилади, жамоа хавфсизлигини вужудга келтиришда ва СССР Иттифоқининг стратегик қўшинларини сақлашда қатнашади.

Халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон республикаси халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифати-

да қатнашади, унинг асосий мақсадлари мустақам тинчлик, қуролсизланиш, ўз ҳудудини қурол-яроғлардан холи қилиш, ядровий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазйиқ ўтказишга, энг аввало ҳарбий куч қўллашга йўл қўймаслик, инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал этишда давлатлар ҳамкорлиги ва халқлар бирдамлигидан иборатдир.

Бундан буён Ўзбекистон республикаси ҳудудида республика Конституцияси ва қонунлари шак-шубҳасиз устун деб эътироф этилади.

Ўзбекистон республикаси олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаган ҳолда барча шериклар билан бевосита тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли битимлар ҳамда шартномалар тузиш учун ўзини очик, деб эълон қилади.

Ўзбекистон республикаси ўз ҳудудида яшовчи барча халқларга тенг сиёсий ҳуқуқларни ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишда тенг имкониятларни кафолатлайди.

Ўзбекистон республикаси ирқчиликка, шовинизмга, миллатчиликка, халқларнинг ҳуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уриinishларга қатъиян қарши чиқади.

Ўзбекистон республикаси халқаро ҳуқуқ доирасида ҳамма эътироф этган қонун-қондалар устунлигини тан олади.

Ушбу иккинчи чакирқ Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида 1991 йил 31 августда қабул қилинган.

5. Ўзбекистон республикасининг Олий Кенгаши Иттифоқнинг ва унинг таркибига кирадиган барча мустақил давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига, барча хоржий давлатларга ва жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларни республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатини тан олишга даъват этади.

Ўзбекистон республикаси
Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЯУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 31 август.

Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Олий Кенгаш қарор қилади:

1. Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёноти тасдиқлансин ва республика бундан буён Ўзбекистон республикаси деб аталсин.

2. 1 сентябрь Ўзбекистон республикасининг Мустақиллиги куни, деб бел-

гилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг Раёсати республика Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин ҳамда уларни Олий Кенгаш-

нинг муҳокамасига киритсин.

4. Ўзбекистон республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси республиканинг мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонунлар лойиҳаларини устидаги ишларни тезлаштирсин.

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР

(СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)

Жумҳурият ИИБнинг ўрта махсус милиция мактаби 1991-1992 ўқув йили учун тингловчиларни саралай бошлади. Ички ишлар идоралари тавсия қилган 473 номзод имтиҳон тоширишти. Шулардан 220 нафар омадлиси офицерлик сабоғини олишга киришади.

Улар икки йиллик таҳсилдан сўнг ўрта маълумотли ҳуқуқшунос дипломига эга бўладилар. Шу билан бир қаторда «милиция лейтенанти» деган унвон оладилар.

Ҳозирчалик имтиҳон тошираётганлар ичида оддий милиционерлар-у, эндигина армия сафини тарк этган ёш йигитлар бор. Беш-олти нафар қизлар ҳам кўзга ташланади.

1932 йили ташкил топган мактаб Иттифоқ миқёсидаги энг кекса билимгоҳлардан бири ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида 20 мингдан зиёд киши бу ерни битириб, ИИБга ишга йўланма олди.

Жумҳурият ички ишлар вазири ўринбосари милиция генерал-майори Ғафур Раҳимов, жумҳурият ИИБ ташкилий-назорият бошқармаси бошлиғи милиция полковниги Александр Артемьев, Наманган вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция полковниги Нурмухаммад Муллабеков шу мактабнинг тингловчилари бўлганлар. Қолаверса, билимгоҳнинг бугунги кундаги бошлиғи ўринбосари милиция полковниги Зайниддин Нажмидинов ҳам шу ер туғроғини ялаганлардан бири.

Мактабнинг жанговар ва махсус тактик тайёргарлик туркуми бошлиғи милиция полковниги Абдусит Эрмухамедов ва ўқув бўлими бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги Инна Даниелянлар имтиҳонни яхши ўтказиш тараддудини кўришмоқда (1-сурат).

Номзод пойтахт ИИБ ходими милиция катта сержанти Тўлқин Ғафуров ҳаяжонда. ССЖИ тарихи фанидан имтиҳон олаётганлар Ирина Бурмистрова ва милиция подполковниги Гельман Аҳмедовга ишқилиб тугилмай-тутилмай жавоб берсин-да (Давоми 3, 4-бетларда).



Судда кўрилаётган жиноий ишларнинг аксарият қисмини оғир тан жароҳати етказиш, безорилик ташкил этади. Уларда инсонга нисбатан меҳр-шафқатнинг қилча ҳам йўқлигини кўриб, ёқа ушлайсан киши. Одамлар ўртасидаги оқибатнинг кўтарилиб кетаётганлигига қўйидагилар мисолдир.

Ильич туманилик Бобожон Норбоев Тожинисога уйланганида кечалари бахтли турмуш ҳақида ширин-ширин хаёллар суриб чиқарди. Лекин ота-онанинг улар турмушига аралашуви, тўғри йўл кўрсатувчи бўлмаганлиги бирини қамоққа тушишига, иккинчисини эса бу дунёдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлди. Икки ёш ҳаётда ўз йўлларини топишга қан-

ди. Қаршисидан келаётган А. Бобоевдан сигарет сўради. Унинг: «Чекмайман», — деган жавоби қилдан қийиқ қидирадиган Бахтиёрга ёқмади. Жанжал бошланди. Кучи етмагач, чўнтагидан пичоқни чиқарди. Абдураҳмон тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилди. Маэкур жиноят ишини кўриб чиққан суд ҳайъати Бахтиёрга беш йил қамоқ жазоси белгилади.

1969 йилда туғилган, онали, муқаддам судланган А. Қўзибоев оғайниси А. Назаров билан чойхонада ароқ ичади. Сўнг чойхоначидан гўшт пишириб беришни талаб қилади. У гўшт йўқлигини айтади. Аммо зўравон унинг жавобини ҳақоратдай қабул қилади. Ўртада ур-

ЖАҲОЛАТ

чалик ҳаракат қилмасинлар, ўзгалар орага суқилгани боис ўртадаги можарони пичоқ ҳал қилди.

Ўша кун Бобожон алоҳида уй топиб, хотини билан чиқиб кетмоқчи эди. Орага отаси ва Тожинисонинг акаси тушди.

Шу ўринда ота-оналар тўғрисида озроқ тўхталмоқчиман. Улар фарзандларини уйлантиришни ўйлашади-ю, яшаш шароитларини ҳисобга олмайдилар. Икки ёш оддий ҳаёт кечириб шароитларининг етишмаслиги туфайли турмушлари бузилади ёки... Мана шу муаммо Бобожон ва Тожинисоларни тўрт йил қийнади. Охири фожиа билан тугади.

«Правда» давлат хўжалигидаги Ленин кўчаси 8-уй. 6-хонада яшовчи 1972 йилда туғилган Бахтиёр Донаев аввал ҳам қонунни тузган. Бир йилга ахлоқ тузатиш ишларига маҳкум этилганди. У 11 май кун таниши Р. Қўшбоқов билан бир пиша вино ичишади. Раҳматулла уйига йўл олди. Бахтиёр эса Зарафшон кўчасига бурил-

йиқит бошланади. Чойхонада ўтирган кишиларнинг аралашуви боис муштлашувга барҳам берилади. Жабрланувчи олган тан жароҳати туфайли 23 кун касалхонада ётиб чиқади. А. Қўзибоев икки йилга озодликдан маҳрум этилди.

«Октябрь 60 йиллиги» давлат хўжалигининг Мир кўчасида яшовчи Р. Жуманиёзов турмуш ўртоғини қидириб ишхонасига боради. Лекин у жойида бўлмайди. Уйга қайтган Зумрад дугонаси Маърифатниқига борганлигини айтади. Рустам текшириш ниятида хотини билан ўша ёққа кетаётганида жанжал чиқди. У Зумрадни дўппослайди ва йўлда ётган тош билан уради. Ильич тумани халқ суди Р. Жуманиёзовни бир йилга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм этди. Тўрт нафар вояга етмаган гўдакларни ҳисобга олиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини болаларга ўтказишни лойиқ, деб топди.

Т. ОЛЛОЕРОВ,
милиция майори.
Х. ОЛИМБОЕВ,
халқ суди ижроچиси.

Ихтиёр ака бугун ҳам эрта тонгда ўрнидан турди. Ҳар кунги одати, мол-ҳолдан хабар олиш учун уйининг орқасига ўтди. Оғилхонага кирди-ю, эшик кесакисига суянганча қотиб қолди. Не умидда боқиб юрган учта новвоси жойида йўқ эди...

Бу йил пахта терими охирида катта ўғли Олимнинг бошини иккита қилиш ниятида эди бечора. Келин ҳам тайёр. Қудалар билан ҳам келишиб қўйилган. Фақат тўй қилиш қолганди. Тўйни ўтказишнинг эса ўзи бўлмайди. Анчагина чиқим қилиши зарур. Начора, урф-одат шундай бўлгач, ундан бош тортиб бўлмайди. Ҳамма қатори элга дастурхон ёзмаса, тили етган-етмаган кесатиқ гап билан ҳар ерда кўнглини оғритиши мумкин. Бундан ташқари кенжамни уйлантираётганда донғи чиққан тўй қилай, элга ош берай, деб ўзи ҳам кўнглига тугиб юрувди.

Шу ниятда новвосларни боқувга қўйганди. Биттасини тўй кун сўйсам, иккитасини сотиб, харажатга ишлатсам, деб ўйлаганди. Бугун эса...

Суяниб турган жойидан зўр-базўр кўзгалиб, новвослар боғлаб қўйилган арқонларни кўздан кечирди. Улар ўткир тиг билан кесилганди. Ҳаммаси равшан, уйи қуйиб қолибди. Молхонага ўғри тушган...

Ихтиёр ака ўйлаб-ўйлаб тўғри туман ички ишлар бўлимига қараб йўл олди. Воқеани гапириб берди.

У ерда дарҳол оператив гуруҳ тузилди. Унга Мирзачўл тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари милиция капитани Аҳмад Усмонов раҳбар этиб тайинланди. Гуруҳга тажрибали изқуварлар — жиноят қидирув бўлинмаси катта оператив вакили милиция капитани Анвар Бекназаров, опе-

сусайиб кетди. Шунинг учун бугун опергуруҳ аъзолари ҳар бир майда-чуйдани ҳам назардан қочирмасликка ҳаракат қилишди. «Қандай бўлмасин қора ниятди бу кимсаларни топиш керак». Гуруҳ бошлиғи Аҳмад Усмонов шуларни ўйлар экан, ҳовли деворидаги озгина нураган жой эътиборини торт-

ТОПГАНИ ТҮЙГА БУЮРСИН

ратив вакил милиция майори Сафар Ниёзов, терговчи милиция капитани Раҳматулла Мусаев ва участка вакили милиция лейтенанти Маҳмуд Қувватов, оператив вакил милиция лейтенанти Парсо Турғунов, балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи назорият инспектори милиция лейтенанти Шерали Ражабовлар киритилди. Опергуруҳ воқеа содир бўлган жойни синчиклаб кўздан кечира бошлади. Деярли ҳеч қандай из қолмаганди.

Кейинги пайтда тумандаги «Ўзбекистон» ва «Совет Россияси» давлат хўжаликлари ҳудудида бир неча марта фуқароларнинг шахсий қорамолларини ўғирлаш юз бераётганлиги кетма-кет содир бўлаётган бундай қабих ишга пихини ёрган кимсалар қўл ургани учун уларнинг изига тушиш ва қўлга олиш қийин кечмоқда эди. Натижада одамлар ўртасида милиционерларга бўлган ишонч

ди. Қалаванинг учи топилгандек бўлди. Шундан сўнг иш юришиб кетди. Кўплаб одамлар билан суҳбатлашилди, шубҳаланган кимсалар текшириб кўрилди. Кун пешиндан оғганда, масала анча ойдинлашиб қолганди.

...Ҳовли эшиги очилиб, милиция капитани Аҳмад Усмоновнинг ичкарига кириб келаётганини кўришган супадаги кимсалар турасолиб чор тарафга қараб қоча бошладилар. Ҳар томонлама чиниққан осойишталик посбонлари ҳалигиларни бир зумда қўлга олишди. Марҳамат, танишинг: Муҳиддин Ашурматов, 1963 йилда туғилган. Муқаддам судланган, Мирзачўл туманидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалигида механизатор бўлиб ишлайди. Муҳтор Ашурматов, 1966 йилда туғилган. Наманган вилоятининг Норин туманида истиқомат қилади. Ҳеч қаерда ишламайди. Абдумалик Қипчоков, 1961 йилда туғилган. Илгари ҳам қора ишлари


эвазига «ўтириб» чиққан. Янгиқўрғон туманида яшайди. Исодил Ибрагимов, 1965 йилда туғилган. «Совет Россияси» давлат хўжалиги ишчиси. Жумабой Муродов, 1963 йилда туғилган. «Совет Россияси» давлат хўжалиги механизатори. Бу эгри қўли шахслар Наманган вилоятидаги ширкатлардан бирига

умидини узиб қўйганди. Милиционерлар олиб келган хушхабар уни каловлантириб қўйди. Қувонганидан: «Раҳмат, раҳмат, бошларинг тошдан бўлсин, топганларинг тўйга буюрсин», — деб осойишталик посбонларини бағрига босарди.

А. НАСАФИЙ.

СУРАТДА: Мирзачўл тумани ИИБ бошлиғининг оператив ишлар бўйича ўринбосари милиция капитани Аҳмад Усмонов, жиноят қидирув оператив вакили милиция майори Сафар Ниёзов, катта оператив вакил милиция капитани Анвар Бекназаров, балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи назорият бошлиғи милиция майори Хушвақт Кўчаров билан навбатдаги хабарни муҳокама қилмоқда.

Зейнур ЗАРИПОВ олган сурат.



УЗУМЗОРДАГИ ХАЗИНА

Фарғона тумани ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Дадаш ака Рўзиев жабрдийдани кузатиб қўйдию чуқур уйга толди. Ҳа, унга ҳозир осон эмас. Бир кечада шунча пулдан ажралиб қолиш ҳар қандай кишини ҳам довдиратиб қўяди.

Нима қилиш керак? Агар ўғри аниқланиб, пул топилмаса, Аъзам Маҳмудалиевнинг хонумони куйди, деяверинг. Адойи тамом бўлади бояқиш. Қолаверса, бу укувсизлик ўша эгриқўл кимса учун «мукофот» бўлади. Уни янги-янги жиноятлар содир этишга ундайди. Энг ёмони ён-атрофдаги одамларнинг милицияга ишончи йўқолади.

— Шу пайтгача нимагаки эришган бўлсак, ҳаммаси сизларнинг хизматларингиз туфайли, — деди Дадаш ака шахсий таркибни йиғиб. — Мана бугун навбатдаги оғир ва чигал вазифани адо этиш лозим. Бу ишдан бирорта ходимимиз ҳам четда қолмаслиги керак. Сизларнинг тажрибаларингизга, маҳоратларингизга ишонаман.

Шундай қилиб, 31 июль кuni кечаси соат 2ларда юз берган жиноятни фoш этиш мақсадида 4та оперативқидирув гуруҳи бир пайтда иш бошлади. Бу гуруҳлардан бирига раҳбарликни шахсан ИИБ бошлиғининг ўзи зиммасига олди.

Аввал воқеа жойи яна бир марта синчиклаб кўздан кечирилди. Назоратга олинган шахслар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашилди. Маҳалладаги катта-кичик одамлар билан маслаҳатлашилди. Ниҳоят, уйқусиз ўтган тунлар, беором кунлар ва машаққатли изланишлар ўз натижасини берди.

Шу ерлик, яъни Оқбилал қишлоғидаги 148-уйда истикомат қилувчи, 1969 йилда туғилган Исмоил Умаров қўлга олинди.

Қилни қирқ ёрувчи изкуварлар олдида ип эшолмаслигига ақли етиб, бўлган воқеани бир бошидан гапириб берди.

— Мен Аъзам аканикига олдиндан тез-тез кириб турардим, — деди у хомуш. — Унда катта пул борлигини билардим. Уша кuni ярим тунда девор оша мўраласам, ҳаммалари ширин уйқуда. Деразанинг кўзини олдимда, ичкарига кириб, пул ва заёмларни ўғирладим.

— Ҳозир қаерда ўша пуллар?

— Қишлоғимиздаги узумзорга қопга жойлаб кўмиб қўйганман.

ИИБ бошлиғи яна барча шахсий таркибни йиғди. Жиноятни очишда фаол иштирок этганларга — хусусан милиция капитани Раҳматжон Охунов, милиция капитани Расулжон Абдуллаев, милиция лейтенанти Муҳаммаджон Абдурашидовларга чин дилдан миннатдорчилик билдирди. Чунки уларнинг тиришқоқлиги туфайли узумзорга кўмилган 87 минг 725 сўмлик пул ва заёмлар эгасига қайтарилганди.

А. ҒАНИЕВ,
Фарғона вилояти ИИБ ходими милиция майори.

ГИЛАМ ЎҒРИСИ

Дўсам Норжигитов Бўстонлиқ туманида яшайди. Эндигина 25 ёшни қаршилаган. Бироқ ёш бўлишига қарамай ўлгудек дангаса. Ҳеч ишлашни хоҳламайди. Қайси-бир йўллар билан топган пулларига ҳам фақат ичкилик сотиб олади. Бир кuni маст ахволда С. Қосимовнинг уйи ёнидан ўтиб кета туриб, эшикка осилган қулфга кўзи тушди. Демак ҳеч ким йўқ. У шоша-пиша ат-

Милиция лейтенанти Шермуҳаммад Қодиров, милиция старшинаси Авазбек Худойбердиевлар Наманган шаҳар колхоз бозорига туташ кўчаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича хизмат бурчларини ўтаётгандилар. Ҳар иккиси ҳам бугунги кундан кўнгли равшан эди. Чунки бирор кимса йўл ҳаракати қондасини бузмади. Аммо дам олишга чоғланган вақтларида шаҳар ИИБ оператив навбатчисидан рация орқали хабар берилди. Ленин номи шохкўчада номаълум ҳайдовчи велосипедчини босиб, воқеа жойидан қочган. Мана шундай ҳолда софдил инсонлар-

РАҲМДИЛЛИГИ ФОШ ЭТДИ

нинг ёрдами сувай зарур. Бир фуқаро велосипедда келиб, улар олдида тўхтади.

— Акалар, ҳозир бир номард қизил рангли «Жигули»да 55 ёшлардаги велосипедчини босиб кетди. Ҳатто тўхтамади-я...

ДАН ходимлари ҳодиса жойига келишганида тиббий ходимлар жабрланувчи атрофида куймаланишарди. Шу пайт яқинлашган автомашинадан икки йигит тушди. Бири тиббий хизматчиларга сўз қотди.

— Сизлар дўхтир бўла туриб нега унга ёрдам берма-япсизлар? Ахир, бу инсон-ку! Нега қараб турибсизлар?

— Энди бу кишига ёрдамнинг ҳожати йўқ.

— Қанақасига?!

— Улди.

Бирдан «раҳмдил» йигитнинг ранги оқариб, қалтирай бошлади. А. Худойбердиев ва Ш. Қодировларнинг синчков назари бу ҳолатни дарров пайқади. «Раҳмдил» киши уловга ўтирди-ю, жадал узоқлаша бошлади. Милиция ходим-

лари изма-из кузатиб боришди. Машина Олаҳамак қишлоғидаги бир уй ёнида тўхтади. Ходимлар ҳайдовчи йигитга яқинлашдилар.

— Оғайнингиз ўзининг қизил «Жигулиси» бўла туриб, сизни овора қилибди.

— Ҳа, улови бузуқ экан. Мендан илтимос қилганди, қўшним-да.

Қўшниси уйдан чиқиши билан ходимлар уни кетма-кет саволга туттишди. У айбини тўла тан олди.

Неъматжон МАМАЖОНОВ.

(СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)



Билимгоҳ тингловчиси бўлишни ким орзу қилмайди. дейсиз. Бино йўлагидаги бунга интилаётганлар китоб-

ларини бир дақиқа ҳам қўлдан туширмайди. (3,4-суратлар).
(Давоми 4-бетда).

ЁНҒИННИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Бағдод тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи милиция капитани Мухторжон Тошқўзиев ва милиционер-ҳайдовчи Эркинжон Сиддиқовлар ўзларига бириктирилган объектларни назорат қилиб юришганди. Бир пайт марказий маданият уйи деразасидан тутун чиқаётганини кўриб қолишди. Рақия орқали бу ҳақда ИИБ навбатчилик қисмига хабар қилишди. Кейин вақтни бой бермай маданият уйи эшигини бузишди, ичкарига кириб, ёниб кетиши мумкин бўлган анжомларни ташқарига олиб чиқишди.

Бу орада ўт ўчириш машинаси ҳам келиб қолди. Шундай қилиб, икки фидойи милиционернинг ҳушёрлиги ва тадбиркорлиги туфайли офатнинг олди олинди.

М. ИСОҚОВ.

рофга олазarak боқди-да, қулфни буза бошлади. Ичкари хоналарнинг очқлиғи айти мударо бўлди. У иккита гилам, битта кийгизни юмалатиб елкасига орқалади.

Ўғирлик моллар ҳисобига бир неча ой бемалол ичиши мумкинлигини ўйлаб, ширин уйқуга кетди.

Тонгда кўзини очган ҳам эдики, рўпарасида милиция ходимини кўрди.

Бўстонлиқ тумани халқ суди Дўсамнинг мастликдаги қилмишини кўриб чиқиб, уч йилга озодликдан маҳрум этди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

Боситхўжанинг отаси ҳам, онаси ҳам оддий ишчи кишилар. Оладиган мойналарининг умри жуда қисқа: ойликкача. Бир ёқда фарзандларини едириш-ичириш, кийинтириш ташвишлари. Аммо улар бир нарсани — фарзандларини тўғри йўлда тарбиялашни унутишди. Болаларнинг кўнгил майлига қараб иш туттишди, «қани?» деса, «мана» дейишди. Натижада Боситхўжа мактабдан воз кечди, бир неча кунлаб уйига ҳам келмади. Ота-онаси бунни ўйинқароқлик, деб қабул қилишди. Бора-бора бутунлай кетди! Уни топиш учун бош суқилмаган маҳкама, сўралмаган жой қолмади. Натижа йўқ.

Аммо чумолидан ҳам из қилиши ҳеч кимга сир эмас. Шу йилнинг 31 августига

БОЛА ТАРБИЯСИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

АЖРАЛМАС ҲАМРОҲ

ўтар кечаси Усмон Юсупов кўчасидаги тикувчилик бўлмасининг (ателъе мод) ойнаси чил-чил синди, ичидаги газламалар тахланиб, олиб кетишга ҳозирлаб қўйилди. Лекин ўздан катта из қолдиргани туфайли терговчи милиция майори Т. Мирмахмудов, ЖҚБ опервакили С. Ҳакимов, участка вакили милиция капитани Х. Саломатов, ДАН катта инспектори У. Бозорбековлар учун «чумоли»ни қўлга олиш қийин кечмади. «Ўғри» деган тамғанинг эгаси зир югуриб қидириляётган Боситхўжа Иботхўжаев бўлиб чиқди.

Боситхўжа дастлабки суриштирувдаёқ, бир неча киши билан биргаликда ўғирлик қилиб, Тошкент, Самарқанд кўчаларида «айш суриб» юрганини гапириб берди. Ҳамтовоқларни қўлга олиш ишлари бошланди.

Фарзанд тарбияси иккинчи масала деб қараладиган ҳар қандай оиллага бундай ғам-ташвишлар ажралмас ҳамроҳдир. Азиз ота-оналар, фарзандларингизга эътиборсиз бўлманг!

Абдурашид ШОДИЕВ,
Октябрь тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция майори.

ҚАРОВСИЗ МОЛЛАР

Тошкент шаҳар Сирғали тумани халқ судининг ҳукми билан уч йилга озодликдан маҳрум этилган Даврон ўз ҳаётини бундан буён ҳалоллик билан давом эттириши керак эди. Аммо ишламай пул топиш йўллариини излади. Ими-жимида майда ўғирликлар қилиб юрди. Бундан сира кўнгли тўлмади. Каттароқ нарсани мўлжалга олди. Бироқ шу ўринда унга шерик кераклиги маълум бўлди.

У 1972 йилда туғилган Аширбойга ҳиммат кўрсата бошлади. Енгидан кириб ўқасидан чиқиб, оқибатда «болакай»нинг бўйинига 300 сўлқавойни олиб қўйди. Бояқиш Давроннинг итоаткор ҳамтовоғига айланди. Даврон ан-

чадан бери пиштиб қўйган режасини амалга ошириш вақти келганини сезд.

У ахдлашилган жойда Аширбойни кутди. Биргалашиб Янгийўлдаги Ленин номи жамоа хўжалиги даласига қараб кетишди.

Далада қаровсиз ўтлаб юрган сигирининг арқонидан тутишди. Жонивор 2. 700 сўмга сотилди. Иштаҳаси ҳакалак отган ўғирларни далалар, тўғрироғи, унда ўз ҳолича кавш қайтарётган моллар оҳанграбодек оғушига тортарди. Улар бу чакириққа бефарқ қарай олмадилар. 2000 сўмлик тарғилни бебаҳо дурдонадек силаб-сийпа-лаб, шохига арқон ташлашди. Аммо жониворга эгасининг жуда меҳри баланд экан. Бир

зумда ҳамма ёқни остин-устун қилиб юборди. Дарров ИИБ ходимларини оёққа тургазди. «Тумандаги барча мол бозорларини, қассобхоналарни текшириб, Олахонимни топиб бермасанглар, хонавайрон бўламан», — деб остонага ётиб олди.

Йўқ, ҳар тугул милиция ходимлари уddaбурон чиқишди. Бир оилани сут-қатиқ билан таъминлаб турган жонивор хонадонга қайтарилди.

Даврон билан Аширбой эса бир муддатта ўзлари ўғирлаган моллар сингари забонсиз қолдилар. Бироқ далилий ашёлар ўғирларни булбулгўё қилиб юборди. Суд эса қилмишига яраша ҳар бирига қонуний жазо белгилади.

Турсуной МИНАВВАР,
қизи

(СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)

(Боши 2-3-бетларда).
Юраги қатида жиноят қидирув оператив вакили бўлиш истаги мавж ураётган Термиз шаҳар ИИБ милиционер ҳайдовчиси Бахтиёр Султонов ҳаёлидан шу дақиқада нималар кечяпти дейсиз? (5-сурат).

Еки бўлмаса шу даргоҳ остонасидан ҳатлаш истагидаги милиция старшинаси Боймурод Шойназаров ва милиция катта сержанти Тоштемир Улуғбердиев (6-сурат) нималарни орзу қилаптилар?


Ҳар қалай қандай бўлса ҳам, бу йигитлар танлаб олган касбларига бутун вужудларини бағишлаш ниятида-лар.

Бутун тенгқурлари қатори имтиҳон топшираётган пойтахт ИИБ ходими милиция катта сержанти Тўлқин Ҳайитхўжаев ҳаёлидан шулар ўтаётти (7-сурат).

Биз уларнинг барчасига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Суратли репортаж муаллифи

Ҳабибулла ШОДИЕВ.



Тунги соат уч. Шаҳар уйқуда. Фақат ҳамюртларимиз ҳузур-ҳаловати қўриқчилари — милиция ходимларигина сергак.

Ленин тумани ИИБ навбатчилик қисмида телефон жиринглади.

— Алло, милиция?! — телефон дастасидан ёш боланинг ҳаяжон ва қўрқув ара-лаш овози эшитилди. — Бизга ёрдам беринглар, бир маст йигит уйимизда опамни зўрламоқчи бўляпти!

— Манзилгоҳингларни айт!

— Чехов кўчаси, ...уй. ... Унинг ота-онаси маълум сабабларга кўра ажрашиб кетишган. Андрей она тарбиясида ва қарамоғида қолдирилди.

Волидаси уни ўқситмаслик, ота меҳридан бенасиблигини сездирмаслик учун қўлидан нима келса, ҳаммасини қилди. Фақат тарбияга келганда...

Ана шу кўнгилчанлик Андрейга қимматга тушди. Жиноятга қўл ургани учун 1989 йилда Ленин тумани халқ суди томонидан ЖМнинг 126-моддаси 2-қисмига асосан бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. 1990 йил 7 февраль кунни жазо муддатини ўтаб чиқ-қач, Свердловск вилоятига, отасининг олдириш жўнади.

— Жуда тўғри қилибсан келиб, — деди ота ва фарзандини ишга жойлаб қўйди.

Лекин енгил-елпи ҳаётга ўрганган Андрейга бундай турмуш тарзи мутлақо ёқмади. У деди, бу деди — онасини кўргиси келаётганини баҳона қилиб, яна Тошкентга қайтди. 8 июнь кун

ҚАБОҲАТГА БИР ҚАДАМ

жумҳурият пойтахтида ҳо-зиру нозир бўлди.

10 июнь кунни «айланиб келиш»ни баҳона қилганда, кўнгилчан онанзор ҳеч на-рса демади. Инқилоб хиббо-ни ёнида жойлашган «Бура-тино» кафе-кафе-кафе кириб, бир шиша самогонни ўзи ютиб олди. Газагига музқаймоқ еди ва бир шиша лимонад ичди.

Нафси ўртаб турганди. Бахтига уч йигит келиб ўти-риб, стол устига уч шиша самогон қўйишди. Уни ҳам таклиф қилишди. Шундай қилиб, кечгача роса мири-қишди.

Кейин Андрей темир йўл-нинг «Шимолий» шоҳбека-тига борди. Роса савғиди, лекин бу ердан йўловчи қизлар унга қиб қишмасди. Нима қиларини билмай боши қотиб турганида Чехов кўчасида ўзига таниш қиз борлиги ёдига тушди. Унинг уйини қийналмай топиб олди ва эшикни тақиллатди. Эшик очилиб, остонада ёшгина бо-лакай кўринди.

— Сизга ким керак?

— Л. ни чақириб бергин?

— Чилонзорга кетган!

— деди болакай ва ортига қайт-моқчи бўлди. Андрей эса оёғини ичкарига узатиб,

эшикни ёптирмади.

Шу пайт унинг кўзи қўш-ни хонага ўтаётган Л. га тушди. Болакай ўзининг хо-насига кириб кетди, қиз эса Андрейни ошхонага бошла-ди. Анча-мунча гаплашиб ўтиришди.

— Энди алламаҳал бўлиб қолди, — деди меҳмон исти-ҳола билан. — Сиз уйингиз-га боринг, биз ҳам дам олай-лик.

Лекин «меҳмон» ўрнидан туришни ҳаёлига ҳам кел-тирмасди.

— Аввал мени бир хур-санд қилгин, кейин бир гап бўлар, — деди совуқ ишша-йиб.

— Ўша кунни отам хизмат-га, онам эса Душанбе ша-ҳрига даволанишга кетганди, — деди жабрланувчи Л. Ленин тумани халқ суди мажлисида, — Кечга томон ўртоғим Ҳазимбетова бўл-ғуси турмуш ўртоғи билан меҳмонга келиб, илтимосим-га кўра бизникида қолиш-ганди.

Шундай қилиб, Андрей Малеев халқ суди ҳукми билан ЖМнинг 15-ва 94-моддаси 3-қисмига асосан олти йил муддатга темир панжаралар ортига бадарга қилинди.

Қабоҳатга атиги бир қадам қолганда, унинг олди оли-ди.

Мўйдин СУФИ.

Андрейни олдиндан бир дўст сифатида билардим. Аммо у...

Қиз шартига кўнмагач, лнчоқ тиради. Улим билан юзма-юз келган воёга етма-ган қиз титраб-қақшаб ки-йимларини ечди. Лекин кай-фи тароқ «дўсти» шунақа уятсиз ҳаракатлар қилди-ки...

— Бу ишлардан беҳабар ўз хонамда дам олаётган-дим, — деди Л. нинг укаси. — Ҳазимбетова ол-димга кириб келди. «Бор милицияга чақир!» — деди. Мен кейин билдим Андрей Малеев опамни зўрламоқчи бўлганини...

Бу орада қўшни хонадон-дан Реза хола чиқиб қолди. Малеевга: «Қани, жўна, обройинг борида!» — деб ўшқирди. У эса: «Ҳозир кетаман, хотиржам бўлинг», — деб кампирни алдаб чи-қариб юборди. Кейин эса яна қабиҳ ниятини амалга оширишга киришди.

— Малеев Л. ни дам олиш хонасига олиб кирди, — дейди ўша кунни меҳмон бў-либ келган Ҳазимбетова-нинг турмуш ўртоғи И. Ива-нов гувоҳ сифатида сўз олиб. — Ичкаридан яна ба-қиринқ-чақиринқ эшитилди. Л. га раҳимимиз келиб, ми-лицияга кўнгиноқ қилишга аҳд қилдик. Орадан етти да-қиқа ўтар-ўтмас улар ёрдам-га етиб келишди. Андрейни қуролсизлантиришди.

ХУШМУОМАЛА ШИФОКОР

Халқимиз ширин сўз — жон озиғи, деб бежиз айт-маган. Айниқса, у бемор учун сув ва ҳаводек зарур-дир.

Вилоят ички ишлар бош-қармаси поликлиникасида ана шундай хушмуомала, софдил, жонқуяр тиббиёт хо-димлари анчагина. Маҳкам Саъдуллаева Саъдуллаева ана шулардан биридир. У 1971 йилда Самарқанд дав-лат тиббиёт олийгоҳини ях-ши баҳолар билан битирган-дан сўнг шаҳар 2-поликли-никасида участка шифокори сифатида фаолият кўрсатди. 1979 йилда вилоят ИИБ по-ликлиникасига шифокор-те-рапевт лавозимига ишга ўт-ди. Маҳкам Саъдуллаевани вилоят ИИБ ходимлари ўз касбининг устаси, беморлар-га меҳрибон шифокор сифа-тида ҳурмат қиладилар.

Дарҳақиқат, Маҳкам Саъ-дуллаева қабулида бўлган ҳар бир бемор фақат илиқ сўзлар эшитиб, тез кўрикдан ўтказилади ва касаллиги аниқланиб, даволаниш учун турли тавсияномалар олади.

М. Саъдуллаева жонқуяр шифокор бўлиши билан бир-га икки ўғил ва бир қизнинг меҳрибон онаси ҳамдир. Ўғиллари Шухрат (СамДД физика куллийтининг кечки бўлим талабаси) ва Шероз халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиш-моқда. Қизин Шаҳноза ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси. Келини Дилфуза ҳам бўла-жак шифокор, Самарқанд давлат тиббиёт олийгоҳининг педиатрия куллийти толиба-си. Турмуш ўртоғи Толиб Маматқулов — милиция хо-дими. У Самарқанд қўналғи-си ички ишлар бўлини маси бошлигининг ўринбосари ми-лиция майори.

Биз эса Маҳкам Саъдул-лаеванага сиҳат-саломатлик, яхши кайфият тилаб, қўл-ларингиз асло дард кўрмасин, деймиз.

С. ЗОХИДОВ.

Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитетининг қарори

«Бирлик» норасмий таш-килотининг раҳбарлари 8 сентябрь кунни Тошкент ша-ҳрида митинг ўтказиш тўғриси-даги илтимос билан Тошкент шаҳар ижроия комитетига му-рожаат қилдилар.

Ижроия комитет бу ариза-ни кўриб чиқиб митинг ўтқа-зишга рухсат бермади.

Тошкент шаҳар Совети иж-роия комитети ҳозирги пайтда фақат пойтахтнинггина эмас, шу билан бирга бутун респуб-ликанинг аҳолиси тинч ва бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиши учун осойишта-лик ва тартиб мўҳимдир, деб ҳисоблайди. Олий Кенгашнинг олтинчи сессияси Ўзбекистон Республикаси давлат муста-қиллиги асослари тўғрисида қонун қабул қилган экан одам-ларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, нормал турмуш ва иш учун, ҳуқуқбузарликлар-нинг олдини олиш учун шарт-шароит яратиш асосий маса-лалар бўлиб қолади. Бу Респуб-ликаимизнинг аксарият кўпчи-лигининг соғлом фикрлаши, масъулияти тўғайли вужудга келган барқарор ижтимоий сиёсий вазиятни сақлаб қолиш имконини беради.

8 сентябрга мўлжалланган рухсат берилмаган митингни ўтказишга уринганлик учун «Бирлик» норасмий ҳаракати раҳбарлари масъул эканлик-лари ҳақида огоҳлантирилди.

Мухаррир

Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир,

муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ»)

Орган коллегии МВД

Республики Узбекистан

26939 нусхада чоп этилди.